

Хайринисо Мирзажоновна:
2
ҚУМОВУЛ ЭМАС,
ГУЛОВУЛ



4
СЕВИМЛИ
КУМУШБИБИ



5
ҚАЙДАСАН,
БАХТ МАНЗИЛИ?

8
ИЧИМИЗДАГИ
«ХОИН»



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад КАРИМ
сурат-лавҳаси.

Оила бахти тинчлик, хотиржамликда!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Бухоронинг дастурхони очиқ хонадонлари	3
«Жир» сўзи русча эмас, ўзбекча	4
Ўлмас Умарбековнинг ўлмас икрори	6
Ҳаёт «ким опиди савдоси» эмас-ку!	7
Бола бошдан, деган гап тўғри	7
Расмий никоҳ: эрнинг фамилиясига ўтиш мажбурий эмас	8

ҲИКМАТ
Бахт ҳавода
эсмайди,
меҳнатдан
келади.
РЎДАКИЙ

ҚУМОВУЛ ЭМАС, ГУЛОВУЛ

десангиз арзийди бизнинг маҳаллани,
дейди тиниб-тинчимас раиса
Хайринисо Мирзажонова

— Шундоққина пойтахт билан Ўрта Чирчиқ туманини боғлаб тургучи худудда жойлашган "Қумовул" ҚФЙга қарашли ўн та маҳаллада 25 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди қишлоқ фуқаролар

ийгини раиси

Хайринисо Мирзажонова.

— Бу ерда етти мактаб, битта поликлиника, битта вилоят тасарруфидоги шифохона, Маънавият ва маърифат маскани фаолият юритмокда. Дехқончилик соҳасида ҳам бу йил қувончли натижаларга эришдик. Бир фермеримизнинг номи мамлакат миқёсида фахр билан тилга олинган юз центнерчилар сифига кирди. Айна кунларда 17 та фермер хўжаликлариди пахта йиғим-теримига қизгин ҳозирлик кўряпти.

Тошкент вилоятидаги янгилашиллар ва ободончилик ишлари биз Ўрта чирчиқликларни ҳам жуда қувонтирди. Худудимиздан ўтган Бектемир шоҳ кўчасида замонавий икки қаватли уйлар барпо этилиб, биринчи қаватида турли хилдаги

маиший хизмат шохобчалари, замонавий кўринишдаги дўконлар ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари бошланяпти. Яқинда туманимиздаги юздан ортиқ мутахассислар Ан-



дихон вилоятига бориб, у ерда амалга оширилган ибратли бунёдкорлик ишлари билан танишиб келишди. Улар орасида маҳалла фаллари ҳам бор эди. Сафар мобайнида олинган видеолархалар, фотосуратлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида маҳаллаларимизда бир қатор намунали ишлар амалга оширилди. Дўстлик, Тошлоқ,

Маҳалладан бошланар Ватан

Қўқоновул маҳаллалари раислари, посбонлари, котиблари ташаббус билан чиқиб, ўз маҳаллаларида ободончилик ишларини бошлаб боришди. Эндиликда барча маҳалла идоралари замонавий биноларда жойлашган ва компьютер тўпламлари билан жиҳозланган. Шунингдек, худудимизнинг уч жойида намунали лойиҳада уйлар қурилмокда.

Тўққизинчи синф ўқувчиларини лицей-коллежларга жойлаштиридик, коллеж битирувчиларини эса ихтисосликларига яраша корхона ва ташкилотларга бириктирдик. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда уларни доимий иш билан таъминладик. Ҳукуматимиз томонидан қабристонларни янада ободонлаштириш мақсадида кўшимча иш ўринларининг ташкил этилиши жуда хайрли бўлди. Намуна маҳалласи худудиди жойлашган 8 гектарлик қабристоннинг атрофи ҳашар асосида қўрғонланди, йўллар асфальтланди.

Ободликни, яратувчанликни ўзига шиор қилган Хайринисо опа турмуш ўртоғи билан бирга тўрт нафар фарзандни улғайтириб, олий маълумотли қилиб, эл қорига қамарбаста этиб тарбиялади.

— Инсон ҳеч қачон изланиш ва ишлашдан тўхтамаслиги керак. Одам шижоатли бўлса, ёши ўтгани сайин гайрати жўшиб, рухланаверади, — дея Хайринисо опа атрофидаги олинган видеолархалар, фотосуратлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Тошкент вилояти.

Истиқлол имкониятлари

лиги раҳбари Дониёр Ёқубов. — Дастлаб хўжалигимиз 65 гектар ер майдонига эга эди. Бугунги кунда эса бу рақам 226 гектарга етди. 106 гектаридан чорвачилик йўналишида фойдаланяпти. Фалла, пахта майдони 226 гектарни ташкил этади. Хўжалигимизда 40 нафар ишчи ўрни яратилган, Уларнинг яхши ишлаб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар бор. Ишлаб топилган даромад-фойда ва "Савдогар" банкнинг туман бўлиmidан олган кредитларимиз эвазига керакли техникаларни сотиб олдик. Бу йил Белоруссиядан замонавий "Палессе" сомон зичлагич келтирдик. Ем-хашак йиғишимизда қўл келди. Ҳар ойда миқозларимиз учун 20 тонна сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб беряптимиз. Дарҳақиқат, бу йил 90 гектарлик ер майдонидан давлат хирмонига 227 тонна ҳосил топшириб, шартнома

режасини 110 фоизга бажардик. Қолган донни эса ишчилар ва ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатдик. Айна кунларда эса 30 гектар майдондаги пахтаими очилиб қолди. Дониёр ака Каримбердиев, Зикрия Алимуқов, Шухрат Сулаймонов, Зоҳида Пулишкова каби ишчиларимиз бизга елкадош, кўмақдош.

Бугунги давр руҳини чуқур англаган ва давлатимиз томонидан фермер ва тадбиркорларга яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган Дониёр Ёқубов қора моллар сонини мингтага етказиш ниятида астойдил ҳаракат қилмокда. Хўжаликда қорамоллар учун 6 сотих жойда ем-хашак омбори ва замон талабига мос келадиган молхоналар қуриб битказилиши арафасида. Эскилари эса таъмирдан чиқарилишди.

Нигора ЭРКИН қизи,
"Оила ва жамият" мухбири.

Жараён

ТАЪТИЛ ТАҲЛИЛЛАРИ

Ёзги таътил мавсумини муваффақиятли тугаллаб, юртимизнинг энг сўлим ва хушманзара гўшаларида жойлашган оромгоҳ ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқарган ўғил-қизларимиз яна мактаб, лицей ва коллежлар бағрига қайтди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми яқунлари таҳлили ва галдаги долзарб вазифалар" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида жорий йилнинг 26 майдан 30 августигача давом этган ёзги соғломлаштириш мавсуми хусусида атрофлича сўз юритилди. Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сифатли таълим ва мазмунли дам олиши учун зарур барча шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда мазкур йилда ёзги соғломлаштириш мавсумининг боришини ўрганиш, тегишли масалаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, оромгоҳлар фаолияти мунтазам равишда ўрганиб борилгани самарали бўлди. Мамлакатимизда болаларни кўнгилли дам олиши ва соғломлаштиришга мўлжалланган оромгоҳлари қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2012-2013 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга мувофиқ 19 та оромгоҳ капитал таъмирланиб, 13 та оромгоҳ реконструкция қилинди, 4 та янги оромгоҳ барпо этилди. Хусусан, жорий йилда юртимизда стационар турдаги ва кундузги 1058 болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилди. Уларда мавсум давомида 293 минг 866 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Бу ўтган йилларга нисбатан қарийб 24,7 минг нафар кўлди. Жорий йилда фаолият кўрсатган дам олиш масканларининг 268 таси стационар турдаги, 790 таси эса кундузги оромгоҳлар бўлиб, уларда болаларни соғломлаштириш учун жами 34,3 млрд. сўм маблағ сарфланди.

— "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг 73 минг нафардан ортиқ фарзанди, жумладан, 3900 нафар Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиси ва жисмоний имконияти чекланган болалар имтиёзли тарзда соғломлаштирилди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг маданий-маърифий ишлар бўлими мудири Лола Холмўминова. — Оромгоҳларда фан, бадиий ижод, спорт-соғломлаштириш каби йўналишлар билан бирга, хорижий тилларни ўрганиш бўйича ҳам махсус тўғарақлар ташкил этилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус дастур асосида таниқли санъаткорлар ва ёш ижроичилар иштирокида концертлар намойиш этилди. "Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати", "Мустақиллик — менинг тақдиримда", "Касаба уюшмалари — болаларга" каби акциялар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар, спорт мусобақалари таътилни янада қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилди. Шунингдек, жорий йилда болаларни соғломлаштириш билан янада кенгрок қамраб олиш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда "Она ва бола" йўлланмалари орқали икки минг нафар она-боланинг имтиёзли равишда соғломлаштирилиши таъминланди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Раҳимжон ака ҳамда Малика опа тўрт ўғил ва бир қизни эл қорига қамарбаста этиб тарбиялашди. Бундан ўн йилча аввал ўртанча ўғли Дониёрнинг фермер хўжалик очиш ниятида юрганини эшитган ота ич-ичдан қувонди. Ўзи бир умр туманда қишлоқ хўжалиги бошқармасида ишлаган бўлса-да, у пайтларда имкониятлар чекланган даврлар эди. Янгиликлар, ташаббуслар ўзбилармонлик деб қабул қилинарди. Шукрки, юртимиз мустақил бўлгач, ҳамма соҳада, айниқса, аграр тармоқда улкан ислохотлар амалга оширилди. Бевосита Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилди. Ана шундай имкониятлар туфайли Дониёр бугун туманда илгор фермерлардан бири сифатида эътироф этиляпти.

Тақдир экан-да, кексалик гаштини суриб, фарзандларининг роҳатини кўраман деганида Раҳимжон ака дуньдан ўтиб қолди. Лекин бу ибратли оиладаги боқий анъана — ҳалол яшаш, саховатпешалик, меҳнатсеварлик оқил ва ишбилармон фарзандлар тимсолида давом этаётгани кўпчиликни қувонтиряпти. Катта-кичик даврларда: "Балли, шундай гўзал тарбия берган ота-онангизга раҳмат, меҳнатингиз роҳатини кўриш насиб этсин", деган самимий ниятлар Раҳимжон аканинг ёруғ хотирасини ҳам нурга тўлдирмокда.

Бўжа тумани "Дўстлик" фермерлар уюшмаси худудиди жойлашган "Дониёр ТАД" хусусий чорва хўжалиги ташкил этилганда 130 бош йирик шоҳли қора моллар билан иш бошланган бўлса, бугун уларнинг сони 400 тани ташкил этади.

— Тадбиркор ҳар қандай вазиятда ҳам режали иш тутса, мушқули осон кечар экан, — дейди чорва хўжа-

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР



моллар сонини мингтага етказиш ниятида астойдил ҳаракат қилмокда. Хўжаликда қорамоллар учун 6 сотих жойда ем-хашак омбори ва замон талабига мос келадиган молхоналар қуриб битказилиши арафасида. Эскилари эса таъмирдан чиқарилишди.

ДАСТУРХОНИ ОЧИҚ ХОНАДОН

Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Олотлик Абдуҳамид бобо Янгиевни нафақат ўзи истиқомат қилаётган Халифа маҳалласида, балки бутун вилоятда ҳам яхши танишади. Тўғриси ва чўрткесар бу одам узоқ йиллар мактабда, “Ногиронлар” жамиятининг туман бўлимида раҳбар сифатида фаолият юритган. Ёшларга илм ва маърифат улашиб, жисмоний имконияти чекланган инсонларга чин маънода меҳр-муруват кўрсатган.

— Меҳнат фахрийси сифатида вилоятимиздаги мактаб ва коллежларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда кўп бўламан, — дейди **Абдуҳамид ота Янгиев**. — Таълим даргоҳларига қадам кўяр эканман, она тилимизда янраган мадҳияга қўлини кўксига қўйиб жўр бўлаётган ўқувчиларда эркинлик, озодлик нафасини туйман. Кенг, шинам, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган компьютер, лингафон ва синф хоналарини, билимга чанқоқликдан кўзлари чақнаб турган ўғил-қизларимизни кўриб, ҳозирги устозларга чиндан ҳавасим келади.

Менинг айнаи кучга тўлган йигитлик чоғларим Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги қийинчилик даврларида ўтди. Бир тишлам нонга зор бўлиб, очлик ва ночорликдан нобуд бўлганлар қанча эди. Болалар эсини танир-танимас даладаги оғир меҳнатга жалб қилинарди. Таълим жараёнида ҳам турли қийинчиликларга дуч келардик. Синф хоналари тор ва қоронғи. Бир пайтнинг ўзида 40-50 нафар ўқувчига дарс ўтардик. Дарсликлар ва ўқув куроллари етишмас, борини олишга ҳам-манинг ҳам қурби етмасди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса Президентимиз раҳнамолигида таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жойларда спорт, мусика, аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб, лицей, коллежлар жаҳон стандартлари асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Узоққа бормайлик, бизга қўшни Бунёдор маҳалласида ташқи қўриниши ва таълим савияси дунё андозаларида сира қолишайдиган мусика мактаби қурилмоқда. Бу даргоҳ чекка-чекка кишлоқларимиздаги бизга номанълум кўпгина истеъдодларни юзга чиқариб, кашф этиши шубҳасиз.

Абдуҳамид ота Янгиев рафикаси, раҳматли Мукаррамон ая билан оқил фарзандларни тарбиялаб, элга қўшди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасининг билимдони бўлиб камол топишида оиладаги меҳнат-севарлик ва китобхонлик муҳитининг ўрни беқиёс. Ҳадемай тўқсон ёшни қаршилайдиган қаҳрамонимизнинг файзли хонадонига куннинг қайси пайтида қадам ранжида қилсангиз, ҳаммиша очик очил дастурхон устидан чиқасиз. Бу ҳовлидан эртаю кеч дуоғўй отахонни зиёрат қил-

Ям-яшил далалар. Мусаффо осмон. Файзиёб боғлар... Тинч ва обод Ватан... Ҳеч қандай муболага ва кўпиртиришларсиз тузилган бу жумлалар ҳар бир юртдошимиз қалбидоғи Она Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатни ифодалайди. Бугунги қаҳрамонларимизнинг ҳам дилларига ана шундай инжа туйғулар ошуфта. 22 йилки, тилларидан шукроналик тушмайди. Уларнинг ҳар бири — Бухоронинг шахару кишлоқларида мамлакат ривожини, эл фаровонлигини йўлида меҳнат қилиб, кадр топаётган инсонлар десам, муболага бўлмайди.

ЗАР-ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИ

моққа келганларнинг қадами узилмайди. Байрам кунларини айтмайсизми, оила аъзолари жамулжам бўлишса, билмаган одам бу ҳовлида тўй-томоша ўтаяпти, деб ўйлайди.

СОҒЛОМ АВЛОД ЖОНКУЯРЛАРИ

Шаҳноза Янгиева ва Шоира Нарзиева — бири мураббий, бири шифокор. Касбу кори, ҳаётий қарашлари турлича бўлган бу икки инсонни соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялашдек ягона эзгу мақсад бирлаштириб туради.

Бухоро вилояти перинатал маркази шифокори, олий тоифали гинеколог Шаҳноза Янгиева ҳаммиша оналар ва болалар саломатлиги учун жон куйдиради. Вилоятнинг қайси тумани ва кишлоқига борса ҳам, энг аввало, қизлар, келинлар, қайнонаю онахонларни бир даврага тўплаб, суҳбатлашга вақт топади. Уларга бола соғлом бўлиши учун, аввало, она саломат бўлиши кераклигини уқтиришдан чарчамайди.

— Дунёга келадиган ҳар бир янги вужудни ёруғ оламга, хур ўлкага хуш келибсиз, азиз болажон, дея сизлаб, ҳурматлаб қарши оламиз, — дейди **Шаҳноза опа**. — Зотан, илк нигоҳларида, атак-чаклариде атрофидагиларнинг меҳр-муҳаббатини туйган инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Соғлиқни сақлаш соҳаси мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ислоҳ қилинди. “Соғлом авлод учун” ордени мустақил диёримиздаги илк кўкрак нишони эканлигини эслашнинг ўзиёқ бу ислохотлар кўламини белгилайди. Биз меҳнат қилиб келатган ушбу перинатал марказ ҳам “2-Саломатлик” лойиҳаси асосида қайта қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Тугруқ ёшидаги ва тугруққача бўлган аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш, қизларимизни эрта ҳомилдорлик ва унинг асоратида келиб чиқадиган, вақтидан олдин бўладиган тўлғоқ асоратларидан ҳимоялаш мақсадида марказимиздаги шифокорлар билан жойларда турли тадбирлар ўтказмоқдамиз. Вилоятдаги маҳал-

лалар ва таълим муассасаларида ўсмирлар ва хотин-қизларимиз билан бўладиган учрашувларимиз сирлашув, диллашувга айланиб кетади. Натижада, бизнинг ҳудудда оналар ва болалар ўлими кескин камайишига эришдик. Марказимиздаги замонавий ультратовуш текшируви орқали эса дунёга келажак боланинг ички ҳолати, ўсиши, юрак уриши, жинси ва генетик касалликларга мойиллигини олдиндан аниқлаш имконига эга бўлди.



Шаҳноза Янгиева соғлом фарзандлар туғилиши йўлида куюнчақлик билан меҳнат қилаётган бўлса, Шоира Нарзиева оналар ва болалар саломатлигида спортнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлашдан чарчамайди. Жисмоний тарбия, хусусан, аёллар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жойларда турли спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Шоира Нарзиева истиқомат қилаётган Пешку туманининг ўзида 3 та спорт мактаби ҳамда футбол мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда.

— Ўқитувчи ва мураббий учун боласидек кадрдон шогирдининг ютуғини, камолини кўришдан-да ортиқроқ муқофот бўлмас керак, — дейди **яшаш бахтини соғлиқ саодатида қўрувчи қаҳрамонимиз, “Дўстлик” ордени соҳибаси Шоира опа Нарзиева**. — Улар руҳиятидаги жўшқинлики кузатиб ўзимни — болаликдаги Шоирани кўргандек бўламан. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда устозимиз Жўра Тўқсонов бошчилигида баскетбол бўйича спорт мусобақаларида қатнашиб, жамоамиз билан туман, вилоят ва республика биринчиликларида совринли ўрин-

ларни эгаллаганмиз. Ўша кезларда кўнглимизда спортга уйғонган меҳр мени Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти сари етаклади. Илгари бу соҳада аёллар деярли ишламас, борларини ҳам бизнинг тутқун дунёқарашимиз ижобий қабул қилмасди. Шу сабаб, мураббий бўлиш истагини билдирганимизда ота-онам хайратдан ёқа ушлаб қолишганди. Мамлакатимизда аёллар спортга эътибор кучаймаганида ва бу йўлда турмуш ўртоғим Изомиддин

Азиза Шобоева ҳамда Шаҳноза Иноятова каби шогирдлари устозига эргашиб, кам бўлишмади. “Бироз жисмоний тарбия ва омадли кун” шioriни Шоира опа ўзи бекалиқ қилаётган хонадондан ташқарига ҳам омалаштира олди. У яшайдиган маҳаллага эрта тонг, субҳидам чоғи йўлингиз тушса, тоза ҳаводан симириб югураётган, бадан-тарбия қилаётган кишиларни кўрасиз. Шунда беихтиёр спорт кишиларни, элатларни бирлаштирибгина қолмай инсон кайфиятини яхшилаб, турмуш ободлигига ҳисса қўшишга амин бўласиз.

СЎЛИМ РОМИШ ҚИШЛОҒИ

Жондор туманидаги Ромиш кишлоқ фуқаролар йиғинида одоб-ахлоқи ҳавас қилгулик, соф виждонли кишилар истиқомат қилади. Сўнги йилларда бу ҳудудда жиноятчиллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги қонун бузилиш ҳолатлари умуман қайд этилмаган. Ромишликлар оила дастурхонининг тўқислигию, кўнгли хотиржамлигини ҳалол меҳнатда, деб билдилар. Тонг саҳардан то кечгача тупроққа ишлов, чорвага меҳр бериб, миллий хунармандчилик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадилар.

— Кишлоқимиздаги 8500 нафардан зиёд аҳолининг қарийб 3500 нафарга яқинини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади, — дея **таъкидлайди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўқтам Абдуллаев**. — Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, мактаб ўқувчиларининг таътил ва дарсдан бўш вақтларини унумли ташкил қилиш мақсадида таълим муассасалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Фуқароларимизнинг бир қисми зах ва кучли шўрланган ерларда деҳқончилик қилади. Шу сабаб, қишда ерларнинг шўри етарли даражада ювилмас, ҳосил кўнгилдагидек бўлмайди. Ўтган йили кўмилиб кетган зовурларни тозалаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини анча яхшилашга эришдик. Болаларимиз учун намунали муҳит яратиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини орттиришда ҳамкишлоқларимиз ўртасида оилавий спорт мусобақалари ва энг намунали оила танловларини ўтказиб келямиз.

Ромиш кишлоғини айланаркансиз, мевали дарахт ўтказилмаган хонадонни учратмайсиз. Тўй-томоша ва маърақаю мавридларда ҳам елкама-елка туриб, бир-бирини суяйдиган бу захматкаш инсонларда Она Ватанга чин маънодаги муҳаббат сезилади. Муҳаббатни, таъмаю гиналардан холи. Мамлакат тақдирини ўз тақдирини, қўшни маҳалладаги болани ҳам ўз бодасида суяйдиган бундай зарзамин фарзандларини диёришимизнинг ҳар ерида, ҳар гўшасида учратасиз.

**Маърифат
АБДУҲАМИДОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Бухоро вилояти.**

БАЛЕРИНА БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИМ...

Болалигим жуда сермазмун ўтган. Отам ўзи фармацевт бўлса-да, санъатга меҳри бўлакча эди. Онам иккови бизни тез-тез киноларга, айниқса, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрга олиб боришарди. Дадам операни жуда яхши кўрарди. Яқшанба кuni уйимизда ҳаммамиз ўзимизга ёққан куйни топиб, ўшанга мос оҳангда опера тилида гаплашар эдик. Ота-онам иштирокида ўтган бу ўйинлар бизларни санъат дунёсига етаклаб борарди.

Азалдан радиони яхши кўраман. Ҳозир ҳам севиб тинглайдиган дастурларим бор. Бир пайтлари ҳар яқшанба кuni соат 15:00 да "Театр микрофон олдига" деган эшиттириш бўлар эди. Республикамиз театрлари репертуарларидан турли жанрдаги сахна асарлари, радиопостановкалар бериларди. Мен қаҳрамонларнинг сўзларини такрорлаб, уйдигиларни лол қолдиришни яхши кўрардим.

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди, ёмғир севалаб турган пайтда оиламиз билан кинога бордик. "Садко" фильми намойиш этилаётган экан. Чиққанимизда ёмғир аралаш қор ёққан, оёғимдаги ботинкам об-ҳавога мос бўлмаганлиги сабабли отам уйгача опичлаб олиб келганди. Шунда биринчиси, иккинчиси синфда ўқирдим. Ана шу бегубор эхтиром туйфайли санъатга меҳрим тушган бўлса керак, деб ўйлайман. Катта опам шифокор бўлишни истарди. Орзусига эришди. Акам эса турли нарсалар яшашга қизиқарди. Ҳатто уйимиздаги радиоприёмникни телевизорга айлантирган. У инженер-конструктор бўлиб етишди. Синглим ҳам шифокорликни танлади. Мен ёшлигимдан балерина бўлишни орзу қилардим. Дадам хореография тўғралига олиб борган. Оз муддатдан кейин Успенский номидаги musiқа мактабига ўқий бошладим. Еттинчи синфни тугатганимдан сўнг раққосалikka бўлган қизиқишим устунлик қилди.

Бугун буларнинг ҳаммаси ширин хотира бўлиб қолди. Менга ана шундай бахтли болаликни тухфа этган ота-онамдан бир умр миннатдорман.

"ГЎЗАЛ МАЛИКА- ЛАРНИ ЎЙНА- ШИНГ КЕРАК"

Нега талабаларни олтин давр дейишар экан, деб кўп ўйлардим. Энди билсам, ҳаётимиз учун муҳим бўлган, олтиндан ҳам қиммат билимларни айнан шу даврда олар эканми. Тангрига беҳисоб шукурлар бўлсинки, санъат институтида таникли устозлар қўлида таҳсил олдим. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нина Тимофеева эди. У киши кўплаб машур

...Мактабда ўқиб юрганимизда бир синф бола битта аълочи қизни севар эдик. Эҳтимол, буниси севиб деб аташ ноўриндир. Бирок ўша бегубор дамлар хотираси барибир азиз. Бир кuni ойнаи жаҳонда "Ўткан кунлар" бадий фильми намойиш этилди. Аълочи қиз оташида ёниб юрган чоглар бўлгани учунми, билмадим, гўзал севиб дostonи менга жуда қаттиқ таъсир қилган. Зайнабнинг рашк ўтида ёниб, шафқатсизлик қилгани дилимни парча-парча айлаган. Кумушнинг эса... яшаб кетишини чин юракдан истаганман. Лекин, афсуски, Кумушбиби дунёдан ўтган ва мен... жимгина йиғлаганман. Қодирий бобомизнинг буюк маҳорати туйфайли чин маънода ўзбекиона муҳаббат тимсолига айланган Кумушой кўп йиллар тушларимда тирилган десам, ишонаверинг. Бола қалбимни тўлқинлантирган ўша соҳир туйгуларни ҳозир ҳам ифодалаб бера олмайман. Бунга сабаб, биринчидан, асарнинг ўта ҳаётли чиққанлиги, иккинчидан эса, кинодаги актёрларнинг ўз ролларини ниҳоятда бетакрор талқин этгани эди.

Ўшандан бери халқимизнинг сеvimли "Кумушбиби"си, беназир санъаткор — Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилованинг сахна ва кинодаги ролларини синчковлик билан кузатаман.

СЕВИМЛИ КУМУШБИБИ

Ўзбекистон халқ артисти
Гулчехра Жамилова ҳаёти ва
ижоди хусусида сўз



санъаткорларга сахна маҳоратидан сабоқ берган. Қолаверса, Назира Алиева, Шоҳида Махзумовалардан олган таълим-тарбиямиз бир умрга татийди.

Курсимизда истеъдодли йигит-қизлар кўп эди. Бирок ўқишни битирганимиздан сўнг фақат беш кишигина — Эркин Комилов, Ҳожиакбар Нурматов, Турдибек Содиков, Одамбой Бобоҷонов ва мен санъат йўлини танладик.

Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, санъат бутунлай ўзга бир олам. Ички туйгуларингизни, юрагингизда кечаётган ўйларингизни кўзингиз орқали ифодалаб бера олмасангиз, "Шишакўз экан", дейишадди, бизда шунақа ибора бор. Ҳатто партнёрингиз ҳам сизни қандай ҳис-туйғу қамраб олаётганини сезмайди. Шу туйфайли санъат учун яралмаган кишилар шу соҳада ўқисалар ҳам, ўз-ўзидан

бошқа йўлни тутиб кетаркан. Чунки биз машаққатли иш. Ичингизни ўз дардингиз куйдириб турса-да, яратаётган образингизнинг туйгуларини ифодалаб беришингиз, ўша образга айланиб йиғлашга, кулишга қодир бўлишингиз керак. Оллоҳ юқтирган, деган ибора ҳам беҳиз айтилмаган-да.

Талабалик йилларимда устозларимдан бири менга: "Биласанми, қизим, сен ҳеч қачон салбий роль ўйнама. Чунки ташқи қиёфаңг ижобий, сен паризодларни, яхши аёлларни, гўзал маликаларни ўйнашинг керак", дер эди. Бу сўзлар бир умр юрагимга муҳрланиб қолди. Фақат яхши ролларни ижро этсам, бошқа қирраларим очилмай қоларкан-да, деб хафа ҳам бўлганман. Шу пайтгача ўзимга берилган ролларим барчасини юракдан ижро этдим.

РОЛЛАРДА ЯШАЙСАН

Ўзбек Миллий академик театри ниҳоятда кадрдон ва мўътабар даргоҳ. Умримнинг энг унутилмас ва бетакрор дамлари шу муқаддас гўшадда кечди. Театрга раҳматли Ҳожиакбар Нурматов билан бир вақтда келганмиз.

"Алишер Навоий" спектаклида менга Гули ролини беришганида, ёшлиқ қилганманми, билмайман, аввалига "Ўйнамайман", деб туриб олибман. "Нега, нима учун?" дейишганида, биласизми, нима дебман: "Эй, Гули миёв-миёв қилади". Ҳамма кулиб юборган. Шунда буюк устозимиз Олим Хўжаев таажжубланиб: "Ие, сан қиз галати, қизиқ чиқиб қолдингку", деганлар. Афандининг ишини қилганимни эса кейинчалик тушундим...

Саҳнадаги кийиниш маданияти, сахна безаклари борасида ўзбек рақс санъати дарғаси Мукаррама Турғунбоевани ўзимга устоз деб биларман. Рақс санъатига меҳрим баландлиги учун кийимларни безашга жуда қизиқардим. Ҳатто зирақларниям ўзим ясардим. Оддий рангли қаламларни кукун қилиб, тоғорага солиб қайнатиб, одмигина рўмолларни ҳам турли рангларга бўяб, чиройли кўринишга келтирардим. "Соҳиқирон" спектаклида ўйнаганимда ҳам, рўмолларимни ўзим бўяб, кийимларимни мунчоқлар билан безаганман.

Шухрат Аббосов мени кино аталмиш тенгсиз дунёга олиб кириб, оқ фотиҳа берган устозларимдан бири. У кишидан кино сирларини ўрганганман. "Қалбимда кувеш" фильмига тақлиф қилганларида, ҳали институтнинг биринчи курс талабаси эдим. Мана шу асар мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. Кейинчалик Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асарини асосида суратга олинган фильмдаги ролим мени халқимизнинг суюкли Кумушбибисига айлантириб юборди. Халигача одамлар мени Кумуш деб қақиради. Бир санъаткор учун бундан ортиқ бахт бормикан? Қолаверса, мен йўлдош Аъзамов яратган мактабда таълим олдим. Ростини, бу борада мен ўзимни ниҳоятда пешонаси ярқираган актёр деб биларман. Улуғ санъаткорлар Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Замира Ҳидоятлова, Зайнаб Садриев, Пошшахон Султонова, Ғани Аъзамов, Шариф Қаюмов, Наби Раҳимовлар билан ижод қилиш насиб этди. Уларнинг таърифига тилим ожиз, барчаси жуда катта қалбли, фидойи зотлар эди. Менинг улардан ўрганган қоидам: шу муборак сахнага қадам қўйдангми, уни ҳурмат қил, ўтганлар хотирасини улуғла, томошабинни кадрла, ролларингни сунъий ўйнама, ўзинг яратган образларда яша!

Файрат МАЖИД.



**БАРГИЗУБ ВА ЗУБ-
ТУРУМ** — бу икки сўз тилимизда бир хил маънога эга. Йирик баргли, қалта пояли, гуллари майда кўп йиллик ўт ва унинг халқ табобатида ишлатиладиган барги тилимизда баргизуб деб ҳам, зубтурум деб ҳам аталади.

Қорабойни уйга оп-келиб, айвонга ётқиздик. Ярасига баргизуб кўйиб, отқулоқ босдик.
Шукур Холмирзаев

Барги зубтурумдай титрашиб, лабига учқулар тошиб...

"Гулихиромон"
дostonидан

ГУНЧА — тилимизда ҳали очилмаган гул маъносини англатган "ғунча" сўзининг "ғун" қисми "тўплам", "йиғма" мазмунини билдирган. Демак, "ғунча" сўзининг туб илдизи "кичик тўплам" деган маънони англатган. Дарҳақиқат, ғунчада гул япроқлари тўпланиб туради.

Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу гулларнинг ғунчаларини ёзмокда.

Иброҳим Раҳим

ХАЛАТ — тилимизда ўзи ҳам, энги ҳам узун ва кенг бўлган, тугма ўрнига белбоғ боғланадиган аёлларнинг устки кийими "халат" сўзи билан ифодаланади. "Халат" сўзининг туб илдизи "совға", "мукофот", "инъом қилинган кийим" деган маъноларни англатади.

Оқ халат кийган доктор қиз энгашиб, беморни қараяпти.

Саид Аҳмад

ЖИР — Алибек Рустамовнинг "Сўз хусусида сўз" китобида таъкидланганича, "жир" сўзи тилимизда "ёғ", "мой" маъносини англатади. Озгун кишига нисбатан "бунга ҳеч жир битмаяпти" ёки "бунинг ҳеч жири йўқ" деган иборалар шу мазмундан келиб чиққан. Шуниси қизиқки, рус тилидаги "жир" сўзи асли бизнинг тилимиздаги айни шу "жир" сўзининг ўзидир. Чунки, "жир" сўзининг туркий сўз эканлиги Маҳмуд Қошғарийнинг луғатиде қайд этилган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

...Мен ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллатни камситмоқчи эмасман. Лекин менинг учун менинг халқимдан чиroyли, сабр-тоқатли, бағри кенг, қўли очик халқ йўқ. Бир воқеани айтиб бермоқчиман. Воқеанинг тўқима эмаслигига, ҳар бир сўзимнинг ҳақлигига гувоҳим бор. Бу гувоҳ — дўстим, улкан ёзувчи Шукур Холмирзаев. Таҳминан ўттиз йилча бурун мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига чақирди.

— Ука, анча-мунча ҳикоялар ёзиб қўйдингиз, — деди уюшма раҳбарларидан бири. — Пойтахтда чиқаришга қарор қилдик. Зудлик билан йиштириб олиб келинг.

— Яхши, сўзма-сўз таржима қиладиганларга уюшма ҳисобидан ҳақ тўлаймиз, кейин хат билан жўнатамиз!

Ҳикояларни тўплаб олиб бордим. Сўзма-сўз таржима ҳам қилинди. Гапнинг қисқаси, ўша йили Ёзувчилар уюшмасининг бош раҳбари атоқли ёзувчимиз Комил Яшиннинг илтимос хати билан ҳикояларим ўша ерга жўнатилди. Уч-тўрт ҳафта ҳаяжонланиб юрдим. Пойтахт нашриётдагилар ҳикояларни олишлари билан ўқиб чиқадилар. Дарҳол менга шартнома лойиҳасини юбордилар. Қарабсизки, яқиндагина адабиётга кириб келган одамнинг уч юз саҳифали китоби рус тилида чиқиб турибди!

Аммо, уч-тўрт ҳафта эмас, йил ўтиб кетди. Жавоб келмади. Русча чиқадиган китобдан совиб кетдим, унутиб ҳам юбордим. Орадан яна анча вақт ўтди. Эсимда йўқ, бир куни ишдан келсам, хотиним почта қоғозини кўрсатди. Бандерол. Китоблар бўлса керак. Ёзувчилар дўқонига илтимосларимизни юборган эдик. Почтахонага бордим. Бандерол анча оғир эди. Севиб турибман, қоғозликка қоғоз-ку, лекин китоб эмас. Эр-хотин очдик. Пойтахтдан келган бандерол — ҳикояларини эди. Ичида нашриётнинг хати билан иккита, ҳар бири беш-олти қоғоздан иборат тақриз ҳам бор. Аввал нашриётнинг хатини ўқиб чиқдим: «Ҳикояларингиз, тақризларни уюрялмиш. Нашриёт бундай ҳикояларни чоп этолмайди». Хатнинг мазмун таҳминан шундай эди. Кейин тақризларни ўқиб чиқдим. Уларда ҳикоялар ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, бундай воқеалар бўлиши мумкин эмас, дейилган эди. Адашмасам, тақризларни биттаси Тошкентдан жўнатилган эди. Эр-хотин бироз хафа бўлди, жадимиз чиқди. Лекин нашриёт билан баҳслашишни ўзимизга эп кўрмадик. Бунинг устига худди шу пайтда марказий газета ва журналларда ҳикояларимнинг баъзилари босилган, ҳатто босилиб ҳам турган эди.

Ёз кунларининг бирида ўша, марказда ҳикояларимни китоб қилиб чиқариш ташаббускори бўлган акаимиз уюшмада мени кўриб қолиб севиб кетди:

— Ука, жуда яхши бўлди сизни кўрганим. Машинангиз бор-а? Ишонангиздан руҳсат олиб бераман. Марказдан бир редактор келган. Таржимонлик ҳам қилади. Шунинг

икки кун айлантириб келмай-сизми? Илтимос сиздан!

Мен Шукур Холмирзаевга қарадим. Бирга эдик. Шукур ихтиёр ўзингизда, дегандек елкаларини сезилар-сезилмас кўтариб қўйди.

Кўп ўтмай, уйларимизга хабар қилиб, меҳмонни ол-

Кўп ўтмай, Нўмонжоннинг ўзи етиб келди. Кучоқлашиб кўришдик. Шукурни, меҳмонни таништирдим.

Меҳмонхонага кўтарилдик. Аччиқ чой, кетидан катта бир лаганда ош келди.

— Ростини айтинглар. Уйку босаятими, йўқми?

— Нима эди? — сўрадим тушунмай.

— Балиқ овласак, нима дейсизлар? Тунги балиқ овининг зап гашти бўлади-да!

Мен меҳмонимизга айтудим, хурсанд бўлиб кетди. Ўрнимиздан турганимизда тўғоннинг бир тарафидаги сув чиқарилиб тизза бўйи қолган эди. Фонарлар, ой нурида кумушдек товланиб, ўзини ҳар

га бордик. Зал тўла одам эди. Бизни пича кутиб қолишибди. Шу сабабли ректорнинг кабинетига кирмай, учрашувни бошлаб юбордик. Охунжон ҳаммамизни, шу жумладан меҳмонимизни ҳам таништириб чиқди. Савол-жавоб, режалар ҳақида гапириб қоронғи тушганини билмай қолдик. Аҳам ака аралашмаса, учрашув тонготаргача чўзилиши мумкин эди. У киши жиддий ишларни баҳона қилиб, кечани тугатди. Ректорнинг кабинетида чой ичдик. Ҳаммамизнинг елкамизга тўн ташланди. Меҳмон елкасидаги банорас тўнга ҳавас билан қараб, мендан сўради.

— Пулини кимга бериш

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР ТУРКУМИДАН

дик-да, доvon орқали Фаргона водийсига қараб йўлга чиқдик. Мўлжалимиз бўйича кечкурун тўққизларда Қўқондан Фарғонага ўтиш, меҳмонхонада тунаб, эртаси кун бўйи водийни айланиш ва кечки салқин билан Тошкентга қайтиш эди. Меҳмон ҳам режамизни маъқулади. У биз тенги йиғит эди.

Довонга кўтарилмасдан Тангатовди қишлоғига кираришида, шундай сувнинг бўйида шинамгина чойхона бор. Шу ерга етиб борганимизда, Шукур иккаламиз беихтиёр бир-биримизга қарадик. Тушдик. Кабобпаз зира хиди анқиб турган қўй гўшти-ни сихларга тортаётган экан. Чойхоначи йиғит бизни салқин жойга ўтказиб битта кўк, битта памил чой келтирди.

Миннатдор бўлдик. Аччиқ-чучук, барра кабоб, муздек арок, иссиқ нон, булоқ сув... Бунинг устига фир-фир эсиб турган тоғ шамоли... Анча қолиб кетдик чойхонада. Мўлжал бузилди. Маршрутни ўзгартиришга тўғри келди. Кечаси соат ўн иккиларда Катта Фарғона каналининг Куйганёрдаги бўлимга кириб бордик.

Бўлим бошлиғи Нўмонжон деган ажойиб йиғит эди. Саид Аҳмад ака таништирган. У билан сўрашдик. Кимдир мотоциклда келиб биз билан кўришди-да, орқамдан юринглар, деб мотоциклига ўтирди. Кўп юрганимиз йўқ. Икки кўча айланиб, шу ердаги кичкина меҳмонхонага кириб бордик.

ёққа ташлаётган балиқларни кўл билан тутса бўларди. Шундай қилдик. Тутганимизни челақка солиб узатамиз, зум ўтмай, қовуриб келишадим... Яна тутамиз. Хуллас, оёқлар музлагунча ов қилдик.

— Мен биринчи марта кўл билан балиқ туттишим! — деди меҳмон. — Айтиб берсам, ўлай агар, ишонишмайди!

Нўмонжон кулиб қўйди. Ўша куни у бизни хурсанд қиладиган яна бир иш қилиб қўйган экан. Буни эрталаб билдик. Меҳмонхонанинг катта даҳлизига дастурхон ёзиб, бизни тақриз қилишди. Богда бурнининг учларигача шарбат босиб шафтоли, узум еб юрган меҳмонни етақлаб, кўтарилдик. Даҳлизда Нўмонжон билан бирга фарғоналик ҳаммасб дўстларимиз Охунжон Ҳақимов, Йўлдош-ли Сулаймонов туришарди. Пешинда Куйганёрдаги машхур Қорадарё устидаги чойхонада девзира палов еб, Фарғонага жўнадик.

— Тўғри Аҳмад аканикига борамиз. Сизларни кутиб ўтирибдилар, — деди Йўлдош-ли.

Турган-битгани афсона, латифа, ҳазилдан иборат бўлган, оғзаки том-том китоблар ёзиб ташлаган атоқли ёзувчи, уруш қаҳрамони, водийнинг эрка фарзанди Аҳмад Ҳамдам билан кўришмасдан бўлмасди. Аҳмад ака меҳмонни тарихий ўлка музейига олиб кириб чиқди. Соат бешларда педагогика институту-

керак?

— Шукурга, — дедим мен. — Унинг закази билан олиб келишган, ёқдимми?

— Жуда ҳам, — деди меҳмон. — Яна битта сотиб олсам бўладими?

— Бўлади, — дедим мен. Фарғоналик ҳаммасбларимиз билан теракзор такьяда ўтирганимизда Шукур ёнимга келди.

— Умарбеков, бу тўн неча сўм тураркан, билмайсизми?

— Нима эди?

— Меҳмонимиз қизикаяпти.

— Аҳмад акадан сўраб кўринг.

— Хафа бўладилар. Совғанинг ҳам баҳосини суриштирасанми, деб, койидилар.

— Меҳмонга худди шундай тушунтиринг. Афтидан мен ножўя ҳазил қилдим. Энди яхшилаб ростини тушунтириш керак.

Шукур кулиб юборди... Меҳмон индамади. У нима-ларнидир ўйлар, мулоҳаза қилар, аммо айтишга ийманарди.

— Ёзувчиларни яхши кўришар экан.

— Ҳа, бизда адабиётни, санъатни севишадим, — дедим мен.

Эрталаб нонуштадан сўнг, уч-тўрт машина бўлиб, Шохмардонга кетдик. У ердан қоронғида қайтиб Қўқонда тунадик.

Меҳмонимиз шу кунлар ичида сезиларли ўзгариб кетди. Аввало, офтоб тегиб, юз-

лари, қўллари қорайди. Озгина тўлишди ҳам. Лекин гап бунда эмас, гап унинг бирдан афсона ичига тушиб қолганлигига ва бу ҳолатни яширмаётганига эди. Хуллас, икки кунга йўлга чиққан одамлар, тўрт кун водийда қолиб кетдик. Тушлиқда яна Қўқон такъяларидан бирида ош еб йўлга тушдик. Ниятимиз кечки салқинда Тошкентга кириб келиш, бизникида овқатланиш, тарқалиш эди. Довонга етганимизда меҳмон елкамга қўлини қўйди:

— Бирон салқинроқ жойда тўхтасак бўладими?

Меҳмон амри вожиб. Чо-дақдан ўтгандан сўнг, йўлнинг чап томони салқин эди. Довондан тушаверишдаги булоқ бошида тўхтадик. Шу ерда чойхона бор эди. Лекин чойхонадан идиш-товокдан бўлак нарса олишга тўғри келмади. Ҳамма нарсани фарғоналик дўстларимиз иккита тугун қилиб, машина орқасига жойлаб қўйишган экан.

— Менинг гапим бор, — деди меҳмон. — Илтимос қиламан, эштинглар. Мен Тошкентга келиб сизлар билан учрашишимни билганим йўқ эди. Аммо, учрашганимдан хурсандман. Шукур, сизнинг олдингизда мен ўлмасдан кечирим сўрашим керак. Унинг ҳикояларини мен қайтариб юборганман. Ичида тақризлар ҳам бор эди. Нашриётнинг хати ҳам бор эди. Мендан хафа бўлсангиз арзийди, нашриётнинг хати ҳам, уюштирилган иккала тақриз ҳам ҳикояларингизга, энг муҳими, халқингизга тўхмат. Сиз, ўзбек ёзувчилари шундай кўнгли очик, камтар, ёзувчиға ҳурмати бандан халқингиз билан фахрлансангиз арзийди. Ўлмас, ҳикояларингиз қаҳрамонларингизга ишонсизлик билдириб гуноҳ қилдим. Қўлёмаларингизни олиб кетаман. Китобингизни чоп этишни талаб қиламан. Биз Тошкентдан борган бир тақризга қаттиқ ишониб юбордик. Мени кечиринг. Шу қадаҳ ўзбек халқи учун, Ўлмас, Шукур сиз қаби бахтли ёзувчиларнинг қаҳрамонлари учун ичаман!

Мўлжалимиз қайтишда ҳам бузилди. Довонда узок қолиб кетиб, Тошкентга ярим кечаси кириб келдик.

...Бу воқеани мен ҳикояларимни макташ учун гапириб бераётганим йўқ. Сиз ҳам, ҳурматли ўқувчи, мен ҳам, бир нарсани севишимиз керак. Ажойиб халқимиз бор. Унинг ақл-идроки, қадоқ қўллари билан ҳозирги қийинчиликлардан эсон-омон чиқиб кетамиз, ҳар бир хонадонда «очил дастурхон»лар пайдо бўлади, танишми, нотанишми, ҳамма меҳмонларни иззат-икром билан кутиб оламиз. Эшик олдидаги одамга: «Ким керак эди сизга?» демай, «Қани, ичкарига кириш», деган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Халқим! Олис, машаққатли йўлнинг бехатар бўлсин! Омад ва бахт ҳамisha сенга ёр бўлсин!

1994 йил, май.
(Ҳикоя қисқартirilган ҳолда чоп этилди)



АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Хазрат Навойнинг тўрт ёшида Фаридиддин Аттор қаламига мансуб "Мантқиқ ут-тайр" китобини ёдлаб олганини, Бобур Мирзо 12 ёшида тахтага ўтирганини яхши биласиз. Бундай ҳолатлар дунё буюкларига ҳам бегона эмас.



Машҳур Байрон, Скотт ва Дарвинлар болалик даврларида деярли кўп вақтларини ўзлари севган машғулот шевъ ёзиш, сурат чизиш ёки бўлмаса, енгил-ёлпи иш саналган коллекция тўплаш билан ўтказишар экан. Моцарт уч-тўрт ёшларида скрипкада илк асарини яратган, Лист ва Шопен ҳали 11 ёшга тўлмасидан жамоа олдида концерт берган. 9 ёшли Гёте олмон, лотин ва грек тилларида шеърлар ёзган.

Бола бошидан деганларидек, «замонавий математика асосчиси» Гаусс уч ярим ёшлигида отасининг ҳисобидаги хатосини кўрсатиб, 25 талер, яъни эски немис кумуш тангасини тежаб қолади. У алгебра ва сонлар назарияси борасида ўз қобилиятини жуда эрта кўрсатган. Паскаль «Геометрия» китобига назар ташлашдан аввал Евклиднинг геометрияга оид 30 дан ортқ теоремасини таърифлаб, исботлаб берган. 15 ёшида эса у конус кесимига оид ишни чоп эттиради.

Америкадаги Калифорния технология унисверситетининг Карл Андерсоннинг таҳминича, кишининг «юлдузли дақиқаси» унинг 26 ёши экан. Айнан шу ёшда Эйнштейн нисбийлик назариясини яратади, Александр Македонский дунёни забт этишни бошлайди. Авраам Линкольн сиёсат билан шуғулланади, Уильям Шекспир эса ўзининг энг катта асарини ёзади. Леонардо да Винчи тасвирий санъат устози дея эътироф этилиб, Уинстон Черчилль парламент аъзоси бўлади.

Ҳар бир болада битта Моцарт яшайди, деган экан алломалардан бири. Фарзандингиз кўзларига боқинг. Келажакнинг буюк шахси балки сизнинг хонадонингизда улғаяётгандир.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

ҲАЁТ “КИМ ОШДИ САВДОСИ”МИ?

Ўғил-қизларимнинг қистови билан “Бахтли бўлинг” рукнига мурожаат қилган эдим. Тошкент вилоятида яшовчи 55 ёшли Карима исми аёлнинг телефон рақамини беришди. Гаплашдик, у аввал менинг яшаш шароитим билан танишмоқчи эканини айтди. Қизим уни уйимизга таклиф қилди. Катта ҳовлида келиним ҳамда невараларим билан бирга яшаймиз. Уйимизни обдан кўздан кечиргач, ҳовли ўртасига девор тортса яхши бўларкин, деб менга маслаҳат солди. Бу гапни эшитган ўғлим нима бўлсаям дадам тинч яшасин деган ниятда розилик берди. Каримахонни уйимизга олиб келамиз, деган куни эрталаб менга кўнғироқ қилиб, ёлғиз ўғлини ташлаб кетолмаслигини, уни уйлантиришга ёрдам берсамгина, турмуш қуришга рози бўлишини айтди. Болаларим маслаҳатлашиб, қўлларидан келгунича кўмак беришларини билдирди. Аммо ҳалиги аёл никоҳимга кирмасидан аввал осмондан тушгандек катта пул талаб қилса бўладими. Қариндошуруғлар, дўсту биродарларим орага тушиб, унга: «Аввал яшаб кўринг, бир-бирингизни синанг, пул масаласи бир гап бўлар», дейишди. Аммо фойдаси бўлмади. Ўз ҳаётини “кимошди” савдосига қўйган бундай аёлдан, очиги, нафратланиб кетдим.

Энди яна сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. **Ёшим 69 да.** Фарзандларим ҳамisha ҳолимдан хабар олиб туришадди. Менга ҳамдард, суянчиқ бир аёл чиқса, хабар берсангизлар.

УМРБЕК ота,
Тошкент вилояти.

ВОДИЙДАН КУЁВ ЧИҚСА...

Икки қиз, бир ўғлим бор. Нозимахон тўнғичим, ҳозир у **24 ёшда**. Шу қизимнинг бахти очилишига ёрдам берсангизлар, деган ниятда мурожаат қилаяпман. Узимизга ўхшаб, олий маълумотли, зиёли оиланинг фарзанди бўлса аянаям яхши бўларди. Қизимиз оғир-босик, сермулоҳаза, бир оилани гуллашига ишонаман. Нозимахонни Фаргона водийсидан келиб, Тошкентда

яшаётган 30 ёшгача бўлган йигитлар бўлса, узатардик.

МАҲМУД ака,
Тошкент шахри.

БЕШ ЙИЛКИ, БЎЙДОҚМАН

Одина билан турмуш қурганимиздан сўнг беш йилгача фарзандли бўла олмадик. Бу йиллар давомида иккимиз ҳам тақдирнинг кўп синовларини кўрдик.



Бахтли бўлинг

Айниқса, ўз онаминг азобларига чидаб яшашимиз бирмунча қийин кечди. Одина ҳам сабр қилди. Ниҳоят, Оллоҳ бизга ширингина ўғил берди. Аммо у етти ойлик туғилгани учун нимжон эди. Шифокорлар болага алоҳида парварिश заруригини қайта-қайта таъкидлашди. Мен уни ҳамма болалар қатори соғлом, дуркун бўлиб ўсишини истардим. Қўшимча иш топиб, оиламни моддий таъминлашга киришдим. Маошим чиққан кун уйга озик-овқат, болагам керакли дори-дармонларни олиб келаман. Аёлим хурсанд, аммо онам... Топганингни хотинингга едиряпсан, деб ҳар куни жанжал, тўполон қилгани қилган. Одина яхши еб-ичмагани учун болага сут етмай қолган кунлар бўлди. Шукуржон саккиз ойлик бўлганида тўсатдан шамоллаб, иссиғи кўтарилди-ю, кома ҳола-

тига тушиб, ҳаётдан кўз юмди. Одина бу жудоликка чидамай, отасиникига кетиб қолди. Шундан сўнг бошқача турмушга чиқиб кетди. Мен эса беш йилдан буён бўйдоқман. Онам вафот этгач, уйланишга қарор қилдим. **Ёшим 34 да.** Баланд бўйли, оқ-сарикдан келганман. Ичиш-чекиш каби зарарли одатлардан холиман. 30 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган аёллар бўлса хабар берсин.

ҲАМИД,
Наманган вилояти.

УЧ КУНДАН СЎНГ ТҮЙ

Ёшим 32 да. Шу ёшгача турмушга чиқмай, ёр танабл юрган шўх-шаддо қиз эдим. Аввалига менда кўнгли бор йигитларни ўзимга тенг кўрмадим. Бора-бора уйимиздан совчиларнинг қадами узилди. Бир куни ишдан қайтсам, ўзимдан 20 ёш катта эркак менга уйланиш ниятида сўраб келибди. Шу воқеадан сўнг онаминг қон босимлари ошадиган бўлиб қолди. Шунда ўз тенгимни топиб, оила кўрмасам бўлмаслигини англаб етдим. Мағрурликни енгиб, эгилдим. Ўтган йили пойтахтда яшовчи аммам бизникига меҳмонга борганида хужжатларимни ўзи билан олиб кетиб, тахририятга топширибди. Орадан кўп ўтмай, хоразмлик, ўзимдан тўрт ёш катта Оғабек исми йигит кўнғироқ қилиб, “Оила ва жамият” дан телефон рақамини олганини, танишиш нияти борлигини билдирди. У билан характеримиз бир-биримизга мос тушиб, оила қуришга аҳд қилдик. Тиббий кўриқдан ўтгач, ФХДга ариза бердик. Насиб этса, уч кундан сўнг тўйим. Ҳаётда ўз тенгимни топишимда ёрдамларини аямагани учун тахририят ходимларига самимий миннатдорчилигимни билдираман.

ҲУЛКАР,
Бухоро вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ҚОВУН

Табиаат — дорихона

Ёзнинг бебаҳо неъматларидан бири — қовун ҳамisha дастурхонимиз кўрки бўлиб келган. Унинг оби новвот, жўра қанд, қизил уруғ, бўриқалла, шакрпалак, амири, босволди, қўкча каби ўнлаб навлари мавжуд ва барчасининг таъми-шираси ўзига хос.

Қовун аслида чанққбосди полиз маҳсулоти бўлиб, танадаги ортиқча суюқликни ҳайдаш хусусиятига эга. Ундан халқ табобатида ич сурувчи восита сифатида фойдаланиш билан бирга, қабзият ҳамда бавосилда, бундан ташқари, ревматизм ва подаграда ҳам кенг қўллангани маълум.

Унинг таркибида 0,1-3,4% глюкоза, 0,1-2,9% фруктоза, 1,1-8,5% сахароза каби доғсурлар мавжуд. Қовуннинг айрим навларида қанднинг миқдори 14-17% га етиши мумкин. Бундан ташқари, қовун уруғининг таркибида 30% дан 43,8% гача юкори сифатли ёғ сақланади.

Ибн Сино “Тиб конунлари” китобида “Қовуннинг пишгани ҳам, пишмагани ҳам сийдик ҳайдайди, ички аъзолардаги тошларни кўзгатади”, деб ёзган.

У туберкулёз-силга дучор бўлган беморларга тавсия этилади. Шунингдек, камқонликка ҳам даво. Гижжаларни ҳайдаш, йўтал ҳамда шамоллашни бартараф этиш, юрак қон томирлари фаолиятини яхшилаш, жигар ва сийдик йўли касалликларининг олдини олиш хусусиятига эга.

Қовундан косметикада ҳам фойдаланилса бўлади. У юздаги хусунбузар, сепкил, доғларни йўқотади, ажинларни кетказиб, юз терисини таранглаштиради. Тиббиёт мутахассислари қовун хотирани тикловчи восита эканлигини ҳам исботлашган. Чунки қовун қон айланишини яхшилаб, организмда темир ҳамда калий кўпайишига ҳам ёрдам беради.

Қовуннинг ҳазми бироз қийин бўлгани сабабли уни уйқога этишдан олдин истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Сабзавотларни имкон қадар янгилигида истеъмол қилиш керак. У қанча кам вақт салқин, куруқ жойда сақланса, таркибдаги витаминлар шунча кўп бўлади.

Ошқўкларни ишлатишдан олдин оқар сувда ювиб, қайнатиб, совитилган шўр сувга 1-2 томчи сирка томизиб, сўнг ивितिб қўйинг.

Редискани истеъмол қилишдан аввал 15 дақиқа сувга ивितिб қўйинг.

Музлаткичдаги нохуш хидни йўқотиш учун унга бир бош пиёзنى тозалаб солиб қўйишингиз мумкин.

Петрушкани илик сувга ивитсангиз, хушбўй хиди уфуриб туради.

1 литр сувга 1 шиша сирка аралашмасини қўшиб, ушбу суюқликка намланган сафетка билан юмшоқ себелгини тез-тез тозалаб туришингиз лозим.

Тановул қилишдан олдин 3-4 дона зайтун дончаларини истеъмол қилсангиз, овқат ҳазмини яхшилайти ва вазнингиз меъёрида бўлишини таъминлайди.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ИЧИМИЗДАГИ «ХОИН» – НАФС

Виждон эзгулик, ростгўйлик, ҳалоллик каби ахлоқий тушунчалар билан ҳамоҳанг бўлган инсон зийнатидир. Жонли мавжудотлар орасида инсонга берилган энг буюк инъом — ақл бўлса, виждонни ҳам худди шундай илоҳий мўъжиза, дейиш мумкин. Ақллилик ва ақлсизлик, виждонлилиқ ва виждонсизлик инсондаги жамки хусусиятларни белгилайдиган омиллар ҳисобланади.

Кимдир сизга нисбатан адолатсизлик қилганда, беихтиёр: “Виждонинг борми ўзи?” деб юборасиз. Албатта, инсонни яхши-ёмон ишлар қилишга ундайдиган, уни ўзгалар олдида, қолаверса, ўзалиги олдида ҳам оқлаб берадиган нарса виждондир. Тўғри, виждонни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди. Аммо у ҳар нафас ичимизда ўзининг борлигини англатиб туради. Кимнингдир ҳақиқа хиёнат қилаётганимизда ёки бирор нотўғри ишга қўл урганимизда, ичимизда нимадир исён қилади. “Тўхта, — дейди у. — Бу ишинг нотўғри. Ахир бировнинг ҳақиқа хиёнат қилиш гуноҳи азим-ку! Бутун умр виждон азобиди қийналишни истамасанг, яхшиси, бундай қилма...” Шу тахлит овозлар бизни ҳамаша яхши-ёмон ишлардан сақлаб келади. Бирок шуниси ҳам борки, баъзан бу овозга умуман эътибор бермаймиз. Эшитамиз-у, лекин ўзимизни эшитмаганга оламиз. Сездирмасдан кимларнингдир ҳақиқа хиёнат қиламиз. Хатто гоҳида ота-онамизни, туғишган жигарларимиз, турмуш ўртоғимизни ҳам алдаймиз. Эҳтимол, улар бизнинг сўзимизга ишонади: “Мени алдамайди”, деган ишонч билан яшайди. Алдаймиз-у, айна пайтда,

кўксимиздаги виждон номли “қушча” чирқиллаб қолади. Ҳеч ким кўрмасида, ҳеч ким эшитмасида-да, барчасига шу “қушча” гувоҳ бўлади. Ҳаммадан яширсак ҳам, ундан ҳеч нарсани яшира олмаймиз.

Эрталаб ишга кетаётиб, кўчадан



бир ҳамён пул топиб олдингиз дейлик. Ҳамён ичида пул билан бирга ҳужжатлар ҳам бор эди. Пулларни кўриб, анча пайтдан бери олишга қурбингиз етмаган зарур нарсаларни харид қилишни чамалаб қўйдингиз. Ишга бориб ҳам кун бўйи хаёлингиз топиб олган хазинангизда бўлди. Ичингизда иккита бир-бирига қарама-қарши куч ўртасида кураш бошланди. Бу кулар — нафс ва виждон. Нафс айтади: “Сен омадинг келиб, бу пулларни топиб олдинг. Худонинг ўзи сенга етказди. Энди истаган нарсангни сотиб олишинг мумкин. Уни топиб олганингни, барибир, ҳеч ким кўрмади. Ўрнингда бошқа биров бўлганда ҳам шундай йўл тутарди”. Виждон эса унга қарши бош кўтарди: “Ахир бу кимнингдир пешона тери билан топилган маоши. Эҳтимол, ўша инсоннинг болалари кўпдир. Унинг ўрнига ўзингни қўйиб кўр. Яхшиси, пулларни манзил бўйича эгасига олиб бориб бер...”



Ойна

Нафс ва виждон кураши ўртасида инсон кийналади. Нафс жимжимадор, ёқимли сўзлар билан аврашга, ўз риёкорлигини яширишга ҳаракат қилади. Виждон эса аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни англатишни, оғир ботса-да, рост сўзлашни афзал кўради. Шундай пайтда нафсни енгган инсонгина виждонни сақлаб қолади. Акс ҳолда, бизни хароб қилувчи нафс қўлида виждонимиз ҳалок бўлади.

Одатда, бирор ноҳоиз иш қилган кишидан: “Шу ишни қилаётганингизда виждонинг қийналмадимми?” деб сўрашади. Баъзида: “Виждонинг йўқ экан”, деган гаплар ҳам қулқоққа чалиниб қолади. Виждон ҳаммада бўлиши муқаррар. Бирок кимнингдир виждони мудраб, қора доғлар остида кўмилиб қолган бўлади. Уни уйғотиш, тўғри йўлга солиш мумкин. Нафс одамни фойдали нарсалардан узоқлаштиришга, зиёнли, зарарли ишларга яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Инсон бу дунёдаги бахтсизликка ва у дунёдаги дўзах оташига тасодифан йўлиқиб қолмайди, унга ўз оёғи билан юриб боради. Тўғрироғи, қачон ақли ухлаб, виждони мудраб қолганини, уни бу йўлга иблис қачон тушириб қўйганини билмай қолади. Шу боис ҳам ҳар ишга қўл чўзганимизда, тилимиз бир гапга чоғланганда, кўнгилда бирор истак туғилганда виждонимизга қулқ тутмоғимиз лозим. Агар ухлаб қолган бўлса, уни уйғотмоғимиз, ҳар нафасда унинг борлигини ҳис этиб яшамоғимиз жоиз. Машҳур шоиримиз Шавкат Раҳмон айтганидек:

*Йўлдор бу,
Нафсининг ботқоғи эмас,
қиличнинг дамидай чақнаган йўлдор.
Бу йўлга юзингни буришдан аввал,
ўлдор, ичингдаги хонини ўлдор.*

Ҳаммамизга умр аталмиш буюк сўқмоқдан юраётиб, аввало, ичимиздаги хонин — нафсини енгиласан деб этсин. Мудраб қолган виждонларга уйғотувчи аллалар айтишдан чарчамайлик.

Зарина РАҲМОНОВА.

НИКОХДАН ЎТИШ УЧУН...

Расмий никоҳ тузиш учун ИИБ томонидан паспорт ўрнига берилган маълумотнома (Ф№-9) билан никоҳдан ўтиш мумкинми?

С. Шавкатов.



каснинг турли вилоят ёки туман, шаҳарларида яшаб турган бўлсалар) отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра, никоҳ ота-онасининг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЭ органида ҳам қайд этилиши мумкин.

Никоҳдан ўтаётганда эрнинг фамилиясига ўтиш мажбурийми?

З. Исмаилов.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЭ) органларида иш юритиш тартиби тўғрисида»-ги Йўриқноманинг 65-банди 3-қисмига асосан, ИИБ томонидан вақтинча паспорт ўрнига берилган маълумотнома (Ф№-9 Ўзбекистон фуқаролари учун, Ф№-36 фуқаролиги бўлмаган шахслар учун) билан никоҳ қайд этишга йўл қўйилмайди.

Никоҳланувчи шахсларни доимий рўйхатда турмаган жойдан ҳам никоҳдан ўтказиш мумкинми?

О. Каттабоева.

Вазирлар Маҳкамасининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 75-бандига асосан, алоҳида ҳолларда истисно тартибиде (агар ота-онаси ва никоҳ тузаётган ёшлар Ўзбекистон Республи-

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-моддасига асосан, никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳга бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

Саволларга Яққабоб ҳамда Қарши тумани ФХДЭ бўлимлари мудирилари М.МУҲАММАДИЕВА ва Н.АБДУРАҲМОНОВАлар жавоб беришди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлемлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oila.vajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темурутқасим 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори внида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСРОМОНОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г – 928. Формати А3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 6818. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел./факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5



КАТТА ТУРНИР

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида хотин-қизлар ўртасида анъанавий “Тошкент опен – 2013” халқаро турнири бошланди. Мусобақада йигирма мамлакатдан кучли ракетка усталари яккалик ва жуфтлик беллашувларида куч синашмоқда.

“Тошкент опен” спорт оламига кўплаб истеъодли теннисчиларни кашф этиши билан ном қозонган. Ўз вақтида “Тошкент опен” даги ўйинлари билан теннис мухлислари ва мутахассислари эътиборини қозонган бир қанча теннисчилар бугун дунёга машҳурдир.

“Тошкент опен – 2013” халқаро турнирининг яккалик мусобақаларида ёш теннисчиларимиз – Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова ҳамда Арина Фольц мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Киев шаҳрида 15-16 ёшли боксчилар ўртасида жаҳон чемпионати бошланди. Мусобақада дунёнинг 52 мамлакатидан 350 нафардан зиёд спортчи ўн уч вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқмоқда.

Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ўндан ортиқ истеъодли боксчиларимиз ҳимоя қилмоқда. Мусобақани муваффақиятли бошлаган Сулаймон Латипов 46 килограмм вазн тоифасида исроиллик Ран Власенкони мағлубиятга учратди. С.Латипов чорак финал йўлланмаси учун Хитой Тайпей вакили По-Вей Туага қарши рингга чиқади.

63 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган Сирожддин Шоодилжонов австралиялик Блэк Траверр устидан зафар кучиб, кейинги босқичда украинлик Олександр Шкет билан куч синашмоқда бўлди. Оғирлиги 75 килограмм бўлган боксчилар мусобақасида Исроил терма жамоаси аъзоси Лиор Сидоренкони енгган Баҳром Фозиллов навбатдаги жангни Жанубий Корея вакили Бонггуи Кимга қарши ўтказди.

Интернет манбалари асосида И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

“Оила ва жамият” газетаси ижодий жамоаси “Темирйўлчи” газетаси бош муҳаррири, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибни, таниқли журналист

Сувонқул РУСТАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Шифокорлар кўчаси, 2 12/6 ўқув биносидидаги умумий овқатланиш муассасисининг ихарага берилиши бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!**
Мурожаат учун телефон: 214-36-60.